

Жуманазар МАДИЕВ

УМРИНГИЗГА ЗОМИН БҮЛМАНГ



Жуманазар МАДИЕВ

**УМРИНГИЗГА ЗОМИН
БҮЛМАНГ**

Тошкент - 2014
«Тафаккур» нашриёти

УДК: 811.512.133.(072)

КБК: 74.268.1

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, инсонларни зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, табиатни асраш бугунги куннинг энг долзарб масалаларига айланган. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси Жуманазар Мадиевнинг "Соғлом бола йили"га багишиланган ушбу рисоласида ҳам инсон ҳаётидаги айрим ташвишли муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз боради.

Такризчи: Панжи Шоназаров — Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Сурхондарё вилоят филиали директори.



ISBN 978-9943-24-090-2



Жуманазар Мадиев



«Тафаккур» нашриёти 2014

МАЙХҮРЛИК – КЕЛТИРАР ХҮРЛИК

Ичкилик нафосатни ўлдиради,
май умрни қисқартиради.
Гораций.

Ҳаёт давомида ёшларга ибрат, яқинларга мададкор , кексаларга ҳурмат-у кўмак, оиласда тарбия тизгини масъуллигини ҳис қилиб фарзандлари наздида керак бўлса, идеал – комил инсон сиймосида яшаашда ҳикмат кўп. Серташвиш ҳаёт чорраҳаларида дуч келинадиган турмушнинг “туртки”лари ва синовларидан довдираб саросимага тушганларни, эртадан умидини узиб қўйганларни ҳаётнинг ёруғ, умидли кўчасига ўтиб олишига кўмак бериш қанчалик савобли иш! Меҳрга ташна қалбларнинг ташвишли онларида тиргак, қувончли онларида ҳамроҳ, ҳамнафас бўлиш саодатманд кимсаларга хос.

Айрим ахлоқан заиф, иллатларга берилувчан, тиббий тарбияда оқсаган инсонлар борки, умрини майхўрлик гирдобига қурбон қиласди. Қилган хатоси ва иродасизлиги билан ўзини ҳам, яқинларини ҳам беҳисоб ташвиш-у дилхираликларга, надоматга ошно этади.

Таркибида этил спирти бўлган ичимликларга ружу қўйиб, қарам бўлиб қолиш алкоголизм ёки ичкилиkbозлиқ дейилади. Истеъмол қилинган спиртли ичимлик таркибидаги этанол организмга сўрилиб, қон орқали онг, туйғу, идрок, фикрлаш қобилияtlари каби фаолиятларни бошқарувчи бўлган бош миянинг пўстлоқ ва пўстлоқ ости соҳасига таъсир қилиб, қўзғалувчанлик фаолиятини оширади ва бу ҳолат маълум вақтдан сўнг тормозланиш дарражасига ўтади. Шу боис ичимлик ичган одам ҳушёрликни йўқотиб, бақир-чақир қиласди, жанжал кўтариб атрофдагиларга тажовузкор бўлиб қолади. Бу безовталиклар анча вақт ўтгач, тинчийди ва маст уйқуга кетади. Аммо, бу барчаси ўтиб кетди дегани эмас. Ичимлик барча органларга салбий таъсир этиб, тартибли фаолиятини издан

чиқаради. Аҳмад Яссавий ҳазратлари "Уят, ор-номусини йўқотган одам ҳайвон жинсига айланиб қолади", деган-ларидек, пияниста иззату икромдан узоқлашади.

Тариҳий битикларга кўра VI-VII асрда тоза спиртни араблар олишган ва номини алкогол, яъни гангитувчи деб аташган. Илк бор 860 йилдан бошлаб шишада ароқ сақланадиган бўлди-ки, унинг муаллифи Рагез жаноблари ҳисобланади.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, кулолчилик буюмлари ясаладиган даврлардаёқ, маст қилувчи ичимликлар тайёрланган. Уни тайёрлаш маданий нави юзага келмасдан олдин асалдан, ёввойи узумдан, мева шарбатидан маст қилувчи ичимликлар олинган. Милоддан 8000 йил олдин ҳам мусаллас тайёрланган деган эҳтимоллар бор.

Ўрта асрларда Фарбий Европада бижғитиш-ачитиш йўллари билан спиртли ичимлик ажратиб олинган бўлиб, бу усулга италян роҳиби, алкимёгар Валентиус асос солиб, ўз даврида ёшартирувчи, қувноқ қилувчи, тетиклаштирувчи афсонавий мўъжиза дея баҳолади ва бу кенг оммага маълум-у машҳур бўлди.

Ўз даврининг илфор вакиллари бу "ихтиро"нинг оқибатини илғайди ва унинг зиёни ҳақида бонг уради. Аммо бу маст қилувчи ичимлик давлатлараро одамларнинг майший ҳаётига сингиб улгурган эди.

Қадимда аждодларимиз бундай ичимликларни "шароб" деб аташган. Форсчадан таржима қилинганда "шар" – ҳаром, "об" – сув маъноларини беради. Бу кулфат уруғининг номи.

Ойида 4-6 марта спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар ичкиликбозлик иллатига йўлиққанлар сафига аъзо бўлиш арафасидагилардир. Бу "офу" суви бошланишида ўзига оғдирувчи, жалб қилувчи, иштаҳани очиб, кайфиятни кўтариб тетиклаштирувчи, жинсий қўзғалишни кучайтирувчи "мўъжиза"си билан кишини исканжага олади. Ва улар беихтиёр ичимликнинг қурбонига айланганларини,

хатарли йўлга бораётганлигини ҳам сезмай қоладилар.

Ичкилик истеъмол қила бошлаган киши “барқарорлик” ни ушлаб туриш учун кун сайин унинг миқдорини ошириб боришига тўғри келади. Охир-оқибат “товорон” тўлаш вақти етади, ошқозон-ичак системасида касалликлар ривожланиб, иштаҳасизлик бошқа ҳаётий органларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Жинсий фаолият сусайиб, ҳафталаб ичишга бериладиган “пиянисталик” даврига етиб келади.

Ахлоқ, одоб, поклик, инсоний бурч, қадриятларимиздан мосуво бўлишлик даражасига тушади. Пияниста топганини ичишга сарфлаб, оила, рўзгор, фарзанд тарбиясида масъуллигини буткул унтиб юборади. Иродасизлик, орттирган касалликлари туфайли ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатидан буткул бебахра бўлиб қолади. Майхўрлик жаридан қайтмас дунё томон равона бўлишгача бориб етади.

У энди инсоний хислатлардан жудо бўлган, кўчада, дўконда, тўйда, дуч келган жойда ичиб, ётиб қолаверади. Соғлиги кундан-кунга ёмонлашади. Мия заҳарланиб, ўзини идора қила олмай қолгани боис, пешобини ҳам тўхтата олмайди. Иммун системасини ичкилик барбод қилгани туфайли кўпинча 30-60 фоиз ҳолда сил касаллигининг бирор тури билан оғриб, кўнгилсиз ечим билан тугайди. Жигар циррозига учраганларнинг 80-88 фоизи ичувчилардир.

Британия эксперtlари “Алкогол – гиёҳванд моддадан ҳам хатарли”, дея хуносага келишига ичимликнинг соғлика, наслга зарари, жиноятчилик, касбдаги салбий холатларни келтириб чиқариш, ногиронлик, меҳнатга лаёқатсизлик боис жамиятга келтирилган маънавий, иқтисодий заарлар ҳисобга олинган.

Француз шифокори Демме 22 йил давомида 10 та эрхотин пиянистанинг оиласини кузатган. Бу оиласларда 57 нафар фарзанд туғилиб, 25 таси 1 ёшга етар-етмас нобуд бўлган. 17 таси руҳий носоғлом, 5 тасининг бошида

сув йиғилган, фақатгина 19 нафар бола меъёрий ўсган.

Доктор Т.П. Симпсон 1000 нафар руҳий носоғлом боладан 500 нафарининг отаси, 70 нафарининг факат онаси, 70 нафарининг ота-онаси ичимликка муккасидан кетганини кузатган.

Сир эмас, кўп спиртли ичимлик ичувчи киши шу зормандадан қутулиш чорасини излайди. Ичишни иродасизлик, тиббий тарбиясизлик эвазига шахсий қарори билан бошлаганлиги энди қимматга тушади. Ҳаётда иродали, кучли кишилар ўз хатоларини тузатиб, ичкиликтин бирданiga ташлаб кетгандарига талайгина.

Иbn Сино ҳазратларини бир беморни кўришга олиб боришибди. Кўрсаки, у ҳам майпарастлик иллатига асир бўлиб қолган. Қариндошларига нарвон келтириб, томга қўйишни тайнинлабди. Нарвон келтириб қўйилгач, ҳазрат нарвондан томга чиқиб қайтиб тушибди ва уйига равона бўлибди. Беморнинг қариндошлари: “Беморга малҳам ёзмайсизми, муолажа қилмайсизми”, дея сўрашса, “Мен тавсия бердим. Иллатга ўрганиб қолган. Қандай кўпайтирган бўлса, шундай камайтирсин. Даво шу”, деган эканлар.

Спиртли ичимлик, этил спиртининг таъми ёки ҳиди ичувчини ўзига тортмайди, фақатгина унинг масти қилувчи хусусияти бўлганлиги учунгина истеъмол қиласди.

Ичувчи озроқ ичганда, яъни енгил мастилик ҳолатида кучи ортгандай, организмида барча нарсадан қониқиши ҳосил бўлгандек туюлиб, кайфияти қўтарилади. Аммо бу узоқча чўзилмайди. Доимий равишда шундай бўлади дея, спиртли ичимлик истеъмолини тўхтатмаган киши юқорида айтганимиздек, ўзини идора қилолмайдиган ҳолатга тушади ва ҳам жисмонан соғлигини, ҳам руҳий барқарорлигини йўқотади. Улар вақт ўтиши билан табиий равишда чегарани унутиб қўювчи пиянисталарга айланишади. Чунки улар бу пайтга келиб мия ҳужайралари фаолиятини алкоголосиз бошқара олмайдиган даражага етиб

келадилар. Бу эса энг ачинарли ҳолдир.

Мен иш фаолиятим давомида қўпинча кенг омма билан, аҳолининг айрим қатламлари билан бевосита мулоқотда бўламан. Ҳаётини кулфат келтирувчи алкоголизм билан боғлаган ва охир-оқибат соғлигидан, оиласда ва жамиятда ўз ўрнидан мосуво бўлганларни мисол келтириб, ичимликнинг қандай заарли иллатлигини айтиб ўтаман. Уларга зарур тавсиялар бераман.

Таҳлил қилиб қўриш лозим бўлганида, мен, аввало сұхбат ўтказиладиган мақсадли гурухни яхши ўрганиб, кейин савол-жавоб ишларини олиб бораман. Секин-асталик билан гурухнинг рухиятини ўрганиб, ичимлик ичмаган, соғ, соғлом муҳитли оиласар ва уларнинг фарзандлари, тенгдошлари орасида эътибор топганларидан мисол келтириб, шу гурух орасида ҳозир бўлганларнинг номини ҳам ибрат учун айтиб ўтаман. Айниқса, ичимлик иллатидан умуман воз кечганларни, уларнинг иродалари мустаҳкамлигини эътироф этаман. Бу албатта, яхши самара беради. Чунки ичкиликка ружу қўйган бўлса-да, ҳали тафаккур қилиш қобилияти ўлмаган кишилар қалбида бу иллатдан қутулишга бир нур, бир илинж пайдо бўлади. Хусусан, улар бу ишни бошқалар уддалашибдику, бизнинг улардан нимамиз кам, биз ҳам тузалишимиз мумкин дея, иродаларини мустаҳкамлаб, руҳий таскин оладилар.

Ичувчиликка муккасидан кетганларнинг тузалиши учун бу айтиб ўтганимиз энг биринчи шарт, илк қадам сифатида қўйилиши мақсадга мувоғиқ бўлади. Шундан сўнг уларни яна яхшиликларга чақириш, спорт билан шуғулланишга даъват этиш лозим бўлади. Буларнинг бари ичкилиkbозликка чалинган беморнинг ўзига ишонч уйғонишига маънавий кўмак бўлиб хизмат қиласи. Ана шундан сўнг қолган тиббий амалиётларни давом эттирса бўлади.

Уларга табиатдан баҳра олиш ва иложи борича тўйларни ичимликларсиз ўтказиш, мунтазам равишда тиббий қўриклардан ўтиб туриш, оиласда ўз мавқеини тиклаш, фар-

зандларга мөхрибон, уларнинг хурматига лойиқ бўлишга интилиш ҳам бу жараёнда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Беморларга ёлғизлик исканжасининг нечоғлик даҳшатли эканлиги, яқинларнинг мөхридан узоқ бўлишнинг азоблари ҳақида тушунча бериш ҳам ўринлидир.

Ичимлик ичувчилар орасида касалланиш ичмайдиганларга нисбатан 2-3 баравар кўп бўлса, ўлим кўрсаткичи эса спиртли ичимлик таъсирида ривожланган касалликлар туфайли вафот этганлар, соматик касаллар асоратига нисбатан 3-4 баробар кўпdir.

Ичимлик асосан жигар циррози, кардиомиопатия, бош мия томирлари артеросклерози ва унинг асорати касалликларига сабабчи бўлади. Ақлий ва жисмоний норасо бўлган 90 фоиз болаларнинг ота-онаси ичувчи бўлган. Буни изоҳлаганда қандай сўз айтишни билмайсиз. Ҳатто бу спиртли ичимликларни заҳри қотил деса ҳам кам. Чунки у инсонни умр бўйи заҳарлаб ўтади. Ўзи етмагандек, келгуси авлодлари ҳаётига ҳам таъсир қиласи. Агар эмизикил аёл 50 грамм спиртли ичимлик исса, сутида 25 фоиз, чақалоқ қонида эса 0,1 фоиз этанол учрайди. Бу ҳали 50 граммдан холос...

Жаҳон файласуфларидан бири “Мастлик кишининг ўз ихтиёри билан ақлдан озишидир”, дея лутф қилган. Ростдан ҳам, содир этилаётган жиноятларнинг кўп қисми мастлик ҳолатида бўлади. Ахир мастлик ақлдан озиш, яна ўз ихтиёри билан ақлдан озиш дея баҳолангач, бундан бўлак нимани ҳам кутиш мумкин. Келинг, бир ривоятни ёдга олайлик.

Бундан кўп йиллар олдин бир тақводор одам бўлган экан. Қаттиқ парҳезкор, гуноҳдан қаттиқ кўрқадиган киши экан. Шу ерда яшайдиган бир фоҳиша аёл уни йўлдан уриш пайида юраркан. Бир куни тақводор кўчада кетаётуб шу аёлнинг уйи ёнидан ўтиб қолибди. Шунда аёл бор овозини қўйиб: “Мусулмонлар, ёрдам беринглар, уйим

куйди!”, деб шовқин солибди. Бечора тақводор ёрдамга шошилибди. Уйга кирса ҳеч гап йўқ, тинчлик экан. Аёлдан нега бундай бақирганини сўрабди. Аёл эса бу ишни атайин унинг васлига етиш учун қилганини айтибди. Тақводор қахрланибди, ҳеч бўлмаса бешикда ётган гўдакдан ҳаё қилишини айтибди. Энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турган экан, аёл: “Йўқ, кетолмайсан. Ҳозир кетсанг, одамларни чақириб шарманда қиласан, номусимга тегди, деб айтаман. Кетишдан олдин ё менинг муродимни ҳосил қиласан ё мана бу шишадаги шаробни ичасан ёки бешикдаги гўдакни ўлдирасан”, дея шарт қўйибди. Эркакнинг боши қотибди. Зино оғир гуноҳ, гўдакни ўлдириш ҳаммасидан баттар. Яххиси шаробни ичиб, гуноҳкор бўлсада тинчгина чиқиб кетишни афзал кўрибди. Шаробни ичибди, аммо маст бўлгач, болани ҳам ўлдирибди, аёлни ҳам ўзи зинога чорлабди.

“Қиссаси Рабғузий”дан бизга маълумки, шароб – шайтони лаъиннинг узумни суғориши билан пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам у мудом кишини шайтоннинг измида бўлишга ундейди. Бугунги спиртли ичимликлар эса турли заарли усууллар билан олинаётган бўлиб, мисол келтирганимиздек, истеъмол қилувчини ҳам жисмонан, ҳам руҳан ҳалокатга етаклайди. Ҳўрликларга дучор қиласи. Ўз ихтиёrimiz билан унинг қулига айланиб қолмайлик, азизлар. Зоро, донишманд ота-боболаримиз “Май-хўрлик – келтирас хўрлик”, дея таъкидлаб, бу заарли одатнинг ёйилишига қарши курашганлар. Аслида башарият фарзанди борки, у жамият сайқали. Қанийди у комил ва бекам-в кўст бўлса.

КАШАНДАЛИК ЗАРАРИ

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти томонидан бутун дунёда 31 май "Чекишига қарши кун" сифатида эълон қилинган. Дунё бўйича барча тиббиёт ходимлари бу ташабbusни қўллаб-куватлади.

Қўча-кўйда, хиёбонда, тўй-у томошаларда, бекатларда сигаретни "паровоз" қилиб тутатиб, бурқситиб турганлар орасида ёш-яланглар, ўсмир, талаба, ишчи-хизматчилар, ҳатто энг даҳшатлиси, ҳаёт гултожи бўлган аёллар ҳам учраб туради.

Тирик мавжудот борки, ҳаётда из қолдиради, насли учун қайгуради. Оналик мартабасини берган, инсоният занжирининг узилмаслигига сабаб ҳалқа – фарзандларимиз соғлом; дуркун бўлиши авваламбор аёлларимизнинг бекам-у кўст, соғлиги нуқсонсиз бўлишига боғлиқ. Албатта, келажак бугундан бошланади, гап юрт ворислари ҳақида кетяпти. Туғилажак фарзандларимиз носоғлом, фикри ғовак, маънавий тарбияси саёз, одоб-ахлоқи иллатли, келбати пучук-кўримсиз ва нуқсонли бўлишига шу фарзандни дунёга келтирувчи оналар, қолаверса, кашандалик балосига йўлиқкан оталар ҳам айбдордир. Улар ўз наслининг заҳарловчилари бўладилар.

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти маълумотига кўра, сайёрамиздаги 7 миллиард 250 миллиондан ортиқ одамлардан 1,5 миллиарди чекаркан. Энг ёмони, бу рақам сон жиҳатидан йилдан-йилга камайиш ўрнига ошиб бормоқда. Ҳар йили миллионлаб одам кашандалик оқибатида ортириб олган хасталиклари туфайли вафот этишмоқда. Агар кашандаликнинг олди олинмаса ва аҳвол шу зайлда давом этаверса, 2030 йилга келиб бу иллат туфайли вафот этаётганларнинг сони 10 миллионга етиши мумкин.

Ахир инсон бу дунёning акли расо қилиб яратилган гултожи бўлса-ю, қандай қилиб, билиб, англаб турган ҳолда ўзини ажал жари томон етакласа. Ҳатто илоҳий ҳукмлар-

да ҳам келади. Инсон ўзига неъмат қилиб берилган ҳар бир нарса учун, хусусан, тана аъзолари учун ҳам жавоб беради. Яъни, уларни асралмагани учун ҳам. Тамаки эса қанчалаб ички органларимизни заҳарлайди ва ниҳоят уларни ўлим билан юзма-юз этади. Бунинг ҳисоби эса, албатта сўралади. Мана энди марҳамат, чекишнинг зарари ҳақидаги маълумотларнинг баъзилари билан танишинг.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, 1 дона сигарет умрнинг 6 дақиқасини қисқаритириши, умуман ка-шандалик эса ўртача умрнинг 15 йилига зомин бўлиши мумкин экан.

Церебро – васкуляр нервологик касалликларга чалингандар орасида кунига 20 дона сигарета чекадигандар чекмайдигандарга нисбатан 3,25 марта кўп. Айнан шу касал билан 20 донадан кам чекадигандар умуман чекмайдигандардан кўра 1,8 марта кўп оғрир эканлар.

Дунё бўйича ҳар ўлик туғиладиган чақалоқдан 1 нафарининг онаси чекувчи бўлар экан. 80 фоиз кашандада бронх йўллари хасталиклари мавжуд.

Табиатдаги ҳаво орқали тамаки тутунининг она қорнидаги ҳомилага салбий таъсири аниқланган. Бу оғу ҳомилага 20 минутда етиб борар экан. Энди тасаввур қилинг. Бизнинг чекувчилар ўzlари билан биргаликда ҳали туғилмаган, она қорнидаги болаларни ҳам заҳарламоқда. Гоҳида бу ҳолатнинг устидан чиқиб қолиб, чекмаслигини илтимос қилсангиз, малол оладигандари ҳам учраб турди. Қаттиқ оғринасиз, ахир онгли, виждонли киши англаши лозим-ку ўзининг атрофдагиларга келтираётган зарарини. Бир сўз билан айтганда, кашанда ҳам ўзини, ҳам умумбашарият мулки ҳавони заҳарлаб, ўзгалар соғлигига ҳам зомин бўлади.

Сигарет тутунининг 2-9 фоизи никотин бўлиб, оғиз орқали кириб, оғиз бўшлигининг шиллиқ қавати, юмшоқ ва қаттиқ танглайдаги стоматологик касалликларни келтириб чиқараркан. Француз олими Ж. При ўпка силининг катта

ёшдагилар орасида учрайдиганларининг 95 фоизи чекувчи эканлигини таъкидласа, инглиз олими Р. Дон "Агар тамаки чекилмагандა ўлим З баравар камаяр эди", дея эътироф этган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, кашандаликка ружу қўйган эркакларнинг 20 фоизга яқини болалик чоғидан, айни 8-9 ёшлигига катталарга тақлид қилиб, қизиқувчанлик ва назоратсизлик эвазига чекишни бошлаб юборади. Чекадиганларнинг 80 фоизининг отаси ҳам чекувчи бўлганлиги аниқланган.

Бир ҳаётий мисол. Бир танишим бугун жуда яхши лавозимда ишлайди, жамиятда ўз ўрнини топган. Аммо кўп чекади. Бунинг натижасида соғлиги тез-тез ёмонлашиб туради. Бир куни гап устида айтиб қолганди. У чекишни 3-синфлигига, яъни, биз ҳозир келтириб ўтган 8-9 ёшда бошлаган экан. "Ота-онамга билдирамасдим", дейди у. Хўш бир масалага эътиборингизни қаратсам. У бу ёшда, албатта кўпчилик кашандаларнинг баҳонаси бўлган "боши оғриган"идан озроқ кайф қилиш учун эмас, балки катталарга тақлиддан бошлаган. Бунинг учун ким айбдор. Албатта, катта ёшдаги кашандалар-да! Улар дуч келган жойда, ҳатто ёш боланинг олдида ҳам чекиб кетаверишади. Буни айб эмас деб билишади-да! Аслида олганда ундай эмас. Улар бу қилмишлари билан ёш авлоднинг тарбияси бузилишига сабабчи бўладилар.

Яна бир тоифа чекувчиларнинг бу оғуга асир бўлган даври 14-17 ёшларга тўғри келса, кашандалик бошланишининг асосий даври, яъни 90 фоиз қисми айни балоғат ёшига, 19 ёшга тўғри келади. Ўсмирларнинг 14-17 ёшда чекишни бошлашига уларнинг ўзларини катта бўлиб қолгандек кўрсатиш учун ва назоратсизлик сабаб бўлади. Энди 19 ёшга тўлган йигитчага "ақл" ўргатиш учун жуда кучли бўлмоқ керак. Хусусан, маънавий томонлама, яъни носиҳнинг ўзи аввало чекишдан йироқ бўлиши ва вазиятни тўғри тушунтира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Умуман олганда, балоғат ёшида чекишиңи бошловчиларни бу йүлдан қайтариш анча мураккаб кечади.

20-30 ёшларида, ақлий жиҳатдан анча балоғатта ет-ған пайтда чекишиңи бошловчилар 11 фоизни ташкил қиласа экан. Бундан кўриниб турибдики, бу ёшда чекишиңи бошловчилар жуда кам бўлади ва улар асосан қандайдир муаммолар туфайли ичиш ва чекишиңи бошлаб юборадилар. Аммо бу ҳам улар чекишиңи давом эттиравериш мумкин, дегани эмас. Улар иродали бўлиб, таскинни маънавият ва маърифатдан излашлари лозим.

Чекувчи аёлларнинг 45 фоиз қисми айнан олтин (ҳосил) фасли бўлмиш 20-30 ёшларида шу иллат домига асир бўлиши энг даҳшатли, мудҳиш ҳолатки, ҳомилага қон орқали, чақалоқقا сут орқали айнан азиз волидаси никотинни еказиб беради.

Кашандаликни баъзи олимлар “хулқ қасаллиги”, дея таърифлашган. Тиббий маълумотларга кўра Ўзбекистон аҳолисининг 21 фоиз қисми чекувчи бўлиб, шундан 20 фоиз эркаклар, 1 фоиз аёлларни ташкил этади. 21 фоизнинг 11 фоизи нос, 10 фоизи сигарет чекади. Чекувчиларнинг асосий ёши 30-59ни ташкил этади. Ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлганларнинг 24 фоиз қисми кашанда. Шундан 9 фоизи сигарет чекса, 15 фоизи нос отади. Олий маълумотлиларнинг 26 фоиз қисми кашанда бўлиб, шундан 15 фоизи сигарет, 11 фоизи нос чекишиади. Қишлоқ эркакларининг ҳам 26 фоиз қисми чекувчи тоифага мансуб бўлиб, улардан 19 фоизи нос, 7 фоизи эса сигаретга ружу қўйган. (Ўзбекистон тиббиёт журнали. 2012 йил, №3, 62-65 бетлар).

Биз манба орқали аёлларимизнинг нисбатан кам қисми кашандаликка ружу қўйганини кўрдик. Аммо гап соғлом авлод масаласида кетганда, шу 1 фоизи ҳам ортиқча эканлигини тушунамиз. Аёллар кашандалигининг олдини олиш, уларнинг бирортаси ҳам бу иллатга яқин йўламаслигига эришиш учун курашиш вазифамиз эканлигини анг-

лаб етишимиз келажак учун хизмат қиласы.

Хүш, бу захри қотил тамаки нима, қаердан келди, қутулиш чораси қандай?.. Бу каби қатор саволлар барча учун қизиқарлидир.

Күргина расмий манбаларга күра тамакининг тарқалиши 1492 йилда сайёҳ X. Колумбнинг Америкага қилган сафариға боғланади. У 1492 йилнинг 3 августидан Ҳиндистонга уммон орқали айланиб бораман, деб йўлга чиқиб, 70 кун деганда, яъни 12 октябрь куни ўзи билмаган ҳолда Америка қитъасига бориб қолади ва шу билан у ўз замондошлари орасида илк бор Американинг борлигини маълум этади.

Колумб матрослари қурадики, маҳаллий ҳиндлар аллақандай ўсимлик япрогини трубкага ўхшатиб ўраб, тутиби, турунни ичига ютиб яна қайтариб чиқармоқдалар (айрим манбаларда тамакининг хўл япрогини бурнига ҳидлаб). Мехмонларга ҳам татиб қўришни таклиф қилишади. Таклифни рад этиш душманлик белгиси, қолаверса, қизиқиш ҳисси боис тезда матрослар ҳам бу нарсани баҳам кўра бошлайдилар. Ҳиндулар трубкани “табако” дейишиади. Тахмин қилишадики, тамаки атамаси шу сўздан келиб чиққан. Нима бўлганда ҳам X. Колумбнинг матрос ва денгизчилари тамаки уруфининг (чекишини ўрганиб олишгач) тарқалишига “хизмат” қилганлар.

1560 йилда француз олими Жон Нико Португалияда элчи бўлиб юрган кезларида мамлакат қироличаси Екатерина Медичининг узлуксиз бош оғриғига (мигренъ) дучор бўлганлиги боис тамаки ўсимлиги баргидан олиб келиб ҳидлаб юришни тавсия этади. Бу тавсия қўлланиб кўргач, қироличанинг бош оғриғи тузалади. Аммо у тамакига хумор бўлиб қолади. Никотин атамаси шу олим Жон Нико номи билан боғлиқ. Шу билан тамаки истеъмоли кенгая боради. Юрт қироличаси хумор экан, бошқалар қараб туармиди? Бугунги келиб эса тамаки забт этмаган давлат, оила қолмади ҳисоб.

Тамаки таркибидаги никотин марказий нерв система-сига тез таъсир этиб, қўзғаб, гоҳида эса тўхтатиб ўзига ром қилиб олади-ки, кашанды нега чекканлигига жўялироқ сабаб ҳам кўрсата олмайди. Бошланишида катталарга тақлид, ҳой-у ҳавас, чарчоқни, оғир руҳий кечинмаларни енгиш, умуман олганда орзу қиладиган мурод-у матлабсиз шу оғунинг ботқоғига тушиб қолмоқда. Ундан қутулиш учун событ иродада, инсоний куч-қувват керак. 80 фоиз чекувчилар, чекишга ўрганиб қолганидан афсусланиш, шу балои азимдан қутулиш фикрида бўларкан.

Энди тарихга назар соламиз. Хўш, бу оғунинг тарқалиб, жамоат, адабиёт, санъатнинг етакчи вакиллари, ёшлар, умуман халқни ўз домига тортишига қарши ҳеч қандай чора кўрилмадими, чеклаш, назоратга олиш чоратадбирлари қўлланилмадими, деган саволлар ҳам сизни ўйлатиши табиий.

XVII асрда Англиядан Россияга келаётган “тамаки”га қарши кураш бошланди. Подшоҳ Михаил Романов чекувчиларни ўлимга хукм қилиб, мол-мулкини давлат ҳисобига мусодара қилиш чорасини қўллади. Аммо барибир четдан контрабанда йўли билан “оғу” карвонлари оқиб кела-верди. XVI аср охирлариданоқ, чекувчиларни ўлимга хукм қилиб, бошини кесиб, оғзига трубка тиқиб осиб қўйилишига қарамасдан кашандалар бу йўлдан қайтишмади.

Пётр V Россия хукмдори бўлган чоғлари ўзи Голландияга сафари чоғида тамакига ўранди-қўйди. Россияга қайтиб келгач, тамакининг чекилиши ва сотилишига рухсат берди. Лекин сотувчи ҳам, чекувчи ҳам соликқа тортилди.

Хозирги кунда ҳам чекишни тақиқлаган давлатлар йўқ эмас. Масалан, Ҳимолай тоғларида жойлашган Бутун қироллигига тамаки чекиш мутлақо тақиқланган бўлиб, қоидани бузган киши катта жарима билан “сийланади”.

Раджаст штатининг Хунлар қишлоғида чекмаслик уларнинг қадимий урф-одатига киради. Қоидани бузган 51 рупия жаримага тортилса, хабар етказган киши 5 рупия му-

кофотга лойиқ күрилади. Уларда бу одатнинг қачон шаклланганлиги ва ким томонидан жорий қилинганлиги ҳақида аниқ манбалар йўқ. Энг эътироф этарлиси шуки, бу ерда чекувилар умуман кам бўлиб, З йилда 1 нафаргина чекувчи суд қилинган.

Ирландияда жамоат жойида тамаки чекиш ман этилган. Бу қоидани бузган 3000 евро жаримага тортиш билан жазоланади.

Норвегияда тамаки рекламаси йўқ. Овқатланиш жойларида чекиш тақиқланади. Жумладан, у ерда сигарет баҳоси ҳам жуда қиммат бўлиб, шу ҳам чекувчиларни бу иллатдан узоқ бўлишлари учун хизмат қилаяпти. Эрон, Австралия мамлакатлари ва АҚШнинг Калифорния штатида чекишга қарши қаттиқ ижобий чора-тадбирлар қўлланган.

Бу борада бизда ҳам бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2011 йил 5 октябрда “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида” қонун қабул қилинди. 2012 йил апрелидан бошлаб кучга кирган ушбу қонун 25 моддадан иборат. Бу қонунларга асосан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини мактаблардан узоқда сотиш ва умуман ушбу товарлар савдосини назоратга олиш белгиланган.

Бугунги кунда тамакини ким етиштириб тайёрлаб берәётгани ҳам билишимиз лозим бўлган маълумотлардан ҳисобланади.

Тамаки ўсимлиги дунёning 120 дан ортиқ мамлакатларида йилига 4,7 миллион гектар ерга экиларкан. Агар шу жойга буғдой экилса 20 миллион тонна буғдой олиниши ҳисоблаб чиқилган. Ҳар йили 5-6 миллион тонна қуритилган тамаки барглари тайёрланади. Агар чекувчи кунига 20 дона сигарет чекса, 30 йилда 160 килограмм тамаки истеъмол қиласкан.

Нос ҳам шундай. Мисол учун, Бухоро носининг таркибида тамаки 40 фоиз, оҳак 8 фоиз, кул 30 фоиз, пахта

мойи 12 фоиз, сув 5 фоиз, бошқа аралашмалар эса 5 фоизни ташкил қилади.

Тамаки қачон ва қандай пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Тамаки ҳақида эрамиздан V аср илгари яшаб ўтган грек тарихчиси Герадот асарларида Африка қитъасида яшовчи одамлар бу ўсимликни ҳидлаб, тутиб тутунини ҳидлашни хуш кўриши ҳақида келтирилган битик бор.

Рим папаси Урбан VII ўз даврида чекувчиларни диндан қайтганлар дея қоралаган. Ҳозирги кунга келиб ҳам кашандаликка қарши кураш давом этмоқда. Дунёда энг бой одамлардан ҳисобланмиш Билл Гейтс наркомания ва СПИД касалликларининг давосини топиш учун жуда катта маблағ ажратган.

2008 йилда Билл Гейтс яна бир миллионер Майкл Блумберг билан биргалиқда чекишига қарши кураш учун 375 миллион АҚШ доллари микдорида маблағ ажратди. Бу маблағ дунёда кашандалик авж олган Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бангладеш, Россия мамлакатларида тамаки чекишига қарши ўтказиладиган чора-тадбирларга ишлатилган.

Биз тиббиёт ходимлари, хусусан валелогларнинг бу борадаги фаолияти қандай? Маълумки, инсонларнинг жамиятдаги ҳолати пирамида тизимида бўлиб, ақли-шуури, маданияти маънавий етуклигига қараб қуидан юқорига қараб тўлдирилиб борилади.

1. Пастки қатлам – умумий ахоли.
2. Ўрта қатлам – мактаб, коллеж, олийгоҳда тарбия кўрган, малакали илм қатлами.
3. Юқори қатлам жамиятнинг илфор вакиллари: илм-фан, адабиёт, санъат ва жамоат арбоблари.

Инсонлар илмий салоҳиятига қараб жамият қатламларини эгаллайди ва ҳайт кечиради.

Заарли одатларга, хусусан чекишига берилининг бу рамидасини 4 қисмга ажратишган.



1. Қариялар ва болаларнинг яшаш тарзи валелогик принципларга асосланган. Чекишдан холи, “соф қатлам” деб аталади.

2. Кашандаликни энди бошлаган онда-сонда чекади. Бу қатлам валелогик билим билан қамраб олинса, шу қатламнинг доимий вакили бўлиб қолади. Агар тиббий тавсияга риоя қилинмаса, яшаш тарзини валелогик принципларга мосламаса тубанлашиб кетади. Шу боис улар “бекарор қатлам”дир.

3. Бу қатламга чекишига ружу қўйганлар, ашаддий кашанда, банги, гиёхвандлар киради. Улар ўғирлик, қотиллик қилиши, ҳатто бола-чақасидан воз кечиши ҳам мумкин. Шунинг учун бу қатламнинг “хавфли қатлам” деб аталиши бежизга эмаслиги аён.

4. Ашаддий кашандага айланган бу қатлам билан 2-3 йиллаб соғломлаштириш ишлари олиб бориш, қатъий муолажалар ўтказиш лозим бўлади.

Энди чекиши ташлаш ва ундан воз кечиш усуллари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Тақиқлаш усули: нодемократик, яъни ноқулай усул бўлса-да, самаралидир. Болаларга ота-онаси тақиқ қилиши мумкин. Зеро, “Куш уясида кўрганини қилади”. Тарбияни мактаб, коллеж, олийгоҳларда ўз ҳолига қўйиб қўймасдан, назорат қилиш, тунги емакхона, тунги клуб, интернетларга берилишига йўл қўймаслик. Ҳатто энди тетапоя бўлаётган ёш оиласларни ҳам назорат қилиб туриш лозим. “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ҳикматли гапнинг мағзини чақиш шарт. Амир Темур аскарларини тўйидан олдин чекиши ёки сархуш қилувчи ичимлик ичишдан воз кечишига даъват этган. Бунинг наслга таъсири уларга кенг тушунтирилган. Темур бобомиз бежизга “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” дея таъкидламаганлар.

Чегаралаш усули: Иш жойида, уйида чекмасликни ёки ҳафтада бир кунми, икки кун чекмасликни қатъий қоида сифатида жорий этиб, атрофдагилар ва ўз-ўзи томони-

дан назоратни кучайтириш лозим бўлади.

Тушунтириш усули: нисбатан бошқа услубларга самараси камдек туюлади, аммо одобли, ахлоқли, маданиятли оиласларга нафи бор. Айтайлик, оиласда бир бола чекса, унга: “Ота-бобонг чекмаган, наслимизда чекувчилар йўқ эдику, энди сен бизнинг юзимизни ерга қаратасанми?” дея сабоқ бериш самаралидир. Умуман олганда, ўзбек оиласларида катталарга қулоқ солинади ва уларнинг айтганинг ишлари ўзи чекмайдиган, катта хаётий тажрибага эга, хурматга сазовор кишилар томонидан олиб борилса, ўйлаймизки, албатта натижа бериши, самарага эришилиши шубҳасиз.

Ёрдам бериш усули: Чекишни ташлашига ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш. Масалан, рухий томонлама. Унинг хумори тутаверса ва кайфияти бузилиб тажанглашаверса, яхши гаплардан гапириш, кайфиятини кўтариш мумкин. Умуман, маънавий тарафлама чекувчининг бу иллатдан кутулишига яхши кўмак бера олиш мумкин.

Шахсий намуна кўрсатиш: Олдиндан чеккан бўлса, ташлаш. Ёки қандай қилиб бу заарли одатдан қутулганлиги хақида кўрсатмалар бериш.

Улуғ шоир Чўлпоннинг “Миллатни уйғотиш уйғонгандарнинг вазифаси” деган сўzlари бор. Бу сўз замирида ётган маънони англаб етмоқ лозим. Биламизки, ичкилик-бозлик ҳам, кашандалик ҳам бутун бир халқни завол билан юзма-юз этиши мумкин. Шунинг учун масала моҳиятини англаб етганлар ҳеч бўлмаса ўзларининг атрофидагиларни, яқинларнинг бу заарли одатдан халос бўлишига ҳаракат қилишса, ишонамизки, яхши натижалар кўлга киритилади. Барча ишларни бирдан ислоҳ қилиб бўлмаса-да, (бу табиий ҳолдир) бир-икки киши бу йўлдан албатта, қайтади. Қолганларига ҳам айтилган сўzlар бесамар кетмайди. Уларнинг қалби ва онгига охири иллатга қарши бир ҳис уйғонади.

Ушбу мақолада кашандаликнинг заарлари ҳақида юритган сўзимиз батафсил бўлмаса-да, ўйлайманки, зарурый маълумотлар бериб ўтилди. Холислик билан айтганда, ушбу қоидаларга амал қилишнинг ўзи бизни кашандалик ботқоғидан асраб қолади. Гувоҳи бўлганмиз, қанчалаб кишиларнинг бу ёмон иллат билан ўз вактида, кечиктирмасдан хайрлашганига. Инсон қилган ишни, албатта инсон уддалай олади. Шунинг учун ҳам иродани мустаҳкам қилиб, охири вой бўлган бу иллатдан воз кешишга кашандалик касалига йўлиқиб қолганлар ҳаракат қилиб кўришади, деган умиддамиз. Бунга эришилса, биз ўз вазифамизни ўтаган бўламиз ва албатта, қалбимизда мамнунлик туямиз.

Деҳқон дон сепди. 1-дон ташқари йўлакка тушди. Уни қуш еб кетди, яъни у ўсишдан мосуво бўлди. 2-дон ишлов берилмаган тошлокқа тушди. Кўкарди, илдизи чукур кетмади. У куёшда қовжираб қуриб кетди. 3-дон тиканзор, ўсимликлар орасига тушиб кўкарди, аммо кўланкада бўлганлиги боис, ҳосил бермади, барбод бўлди. 4-дон унумдор жойга тушди. Унди, ўсди, яхши ҳосил берди. Деҳқон яна экди, яна зўр ҳосил олди ва мўл-кўлчиликка эришилди. Деҳқон – сўз айтгувчи, маънавият тарқатгувчидир.

Биринчи дон – эшитади, тингламайди. Иккинчи дон – эшитади, аммо амал қилмайди. Учинчи дон – турмушнинг қарама-қаршиликлари, ўзининг ҳой-у ҳавас йўлида эътиборсиз қолдиради. Тўртинчи дон – унумдор ерга, яъни онгли, фикрли одамларга бориб етади. Улар эшитади ва амал қиласи. Деҳқон доим таваккал этади, аммо умидвор бўлади. Мен ҳам...

ТАБИАТГА ТОШ ОТМАНГ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти ва академиклар Ю. Лисицин ва В. Комаровларнинг тадқиқотларига кўра, касалликнинг келиб чиқишига турмуш тарзи 55 фоиз, ирсият 18 фоиз, соғлиқни сақлаш ишлари 10 фоиз, атроф-муҳит, табиат, экология факторлари 17 фоиз сабаб бўларкан.

Экология сўзи грекчадан таржима қилинганда “экос” – уй, жой, макон, “логос” – таълимот маъноларини англатади. Бу терминни биринчи бўлиб немис биологи Э. Геккел 1866 йилда қўллаган.

Ер юзининг 70,8 фоизи сувлик, 29,2 фоизи қуруқликдан иборат. Аммо ичимлик сув оз қисмни ташкил этади.

Бу маълумотларни нега келтириб ўтаяпмиз. Бу сизда табиат ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун. Бугун жадал ривожланаётган даврдамиз. Ҳатто, табиатни ҳам измимизга солишга уриниб кўрмоқдамиз. Бу жараён ўтган йиллар мобайнида ҳам, бугун ҳам давом этаяпти. Ва шубҳасизки, эртага ҳам ҳаёт бўларкан, бу жараённинг узвийлиги якун топмайди. Ҳўш, бу жараён бизга нимани ваъда этаяпти. У инсониятнинг истиқболи учун хизмат қиласидими ёки инқизози учун? Табиатга таъсир ўтказишга уриниб хато қилмаяпмизми? Унинг бизга қиласидиган жавоби қандай бўлади? Бу саволлар бугунги куннинг энг долзарб ва глобал муаммоларидан хисобланади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, яъни 1992 йилда “Табиатни муҳофаза қилиш тӯғрисида” қонун қабул қилинди. Ва табиатни муҳофаза қилиш хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Маълумотларга кўра, ер юзида 1.5 миллион ҳайвон тури ва 500 000 га яқин ўсимлик тури бўлиб, шундан Ўзбекистондан 4230 дан ортиқ ўсимлик тури бор. 700 тасида дориворлик хусусияти бор. Ер юзидаги ўсимликлар 400 миллиард тонна кислород ишлаб чиқаради. Чиндан табиатнинг ўзини бема-

лол улкан “дориҳона” деб айтишимиз мумкин.

Яшил олам, улар биздан ҳеч нима сўрамайди, аммо бизга кўп нарсани тухфа этади. Тоза ҳаводан нафас олишимииз учун карбонат ангидрид газини ютиб, кислород ишлаб чиқаради. Турли чанг-тўзонларнинг олдини олади. Бизнинг эҳтиёжларимиз учун хизмат қиласди. Санайвер-сак оз. Бироқ ўзимизчи? Уларнинг ўсишига қулайроқ шароит яратиб бериш ўрнига чегарасиз, баъзида бемаъни эҳтиёжларимиз сабаб йўқолиб, сон жиҳатидан кескин камайиб кетишига олиб келаяпмиз. Вазиятни чигаллаштираяпмиз. Тушунишга ҳаракат ҳам қилиб кўрмаяпмиз. Яна энг ёмон томонини тушунсак-да, бу ишда давом этаяпмиз — ўрмонларни кесаяпмиз, жониворларни қираяпмиз.

Табиатдаги наботот оламининг одамлар ва ҳайвонлар озиқланишида тутган ўрни бекиёс. Динимизда ҳайвонот, табиатни, яъни бизга хизмат қилаётган муҳитни, ҳаво, ер, сувни ифлос қилмаслик ҳақида ўғит берилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам “Атроф-муҳитга меҳрли, шафқатли муносабатда бўлинглар. Сувга, ўзанларга, серқатнов йўлларга, соя-салқин жойларга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан қўрқинглар”, -дея огоҳлантирганлар.

Бугун биз қилаётган ишлар бунинг тескариси бўлиб чиқмаяптими? Шаҳарлардаги об-ҳавонинг бузилганлиги, чиқиндиларнинг дуч келган жойларга, ариқларга тўкиб кетилиши жуда ачинарли ҳолдир. Ахир сал нарироқда маҳсус ахлат қутилари бор. Биз бу безътиборлигимиз ва “дарди бедаволигимиз”ни фарзандларимизга ҳам юқтирамиз. Куш уясида кўрганини қилганидек, улар ҳам айнан шу хунук ҳолатни такрорлайдилар. Бундай хунук ҳолатлар қишлоқларда ҳам учраб турибди. Соғ, табиий сувлар ифлосланмоқда, далаларга турли заарли чиқиндилар чиқарилиб, атроф-муҳит булғанмоқда.

Аждодларимиз атроф-муҳитга бефарқ бўлмасдан, қадимда ҳаво, ер, сувни булғаганларга чора қўллашган.

Шу туфайли у пайтларда табиатга нисбатан одобни унұт-масдан мұомалада бўлинган. Бу дегани табиат мухофа-засида жамоатчиликнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Сенга нима, менга нима қабилида иш тутилса нафақат табиат, балки жамиятнинг охири ҳалокатли бўлади. Жиноятни содир эт-ған билан унга бефарқ томошабин бўлиб турганни бу жи-ноятда teng айбдор кўришган. Ҳатто, бефарқ одамнинг айби мудҳиш ҳодисанинг юзага келишида уни содир этув-чидан кўра кўпроқ ҳам бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Еврокомиссия хулосасига кўра, ўлимга олиб борувчи экологик омил-лардан биринчиси – ҳавонинг ифлосланиши бўлса, ик-кинчиси – шовқин экан. Аллоҳнинг қудрати билан бу икки оғатни даф этиш учун дараҳтлар яратилган.

Машина дуд бўронидан чиқаётган тутунда 200 хилга яқин заҳарли газ мавжуд. У биз нафас олаётган умумба-шарият мулки бўлмиш атмосферага қўшилиб, ҳавонинг соғлигига путур етказади. Шу чиқаётган зарарли газ-ларнинг 35 фоиз қисмини яшил барглар сўриб олади.

Энди яна баъзи маълумотларни эътиборингизга ҳаво-ла этсак. Норвегияда ўзининг уйи ва шахсий машинаси-дан ташқарида чекиш тақиқланади. Хитойда чекишга қарши кураш қонуни мавжуд, аммо кашандалар бисёр. Японияда 20 ёшгача бўлганларга сигарет сотилмайди. Дубай шаҳри тамаки тутунидан озод ҳудуд ҳисобланади.

Бизда ҳам “Кашандалик зарари” мавзусида келтирға-нимиздек, чекишга қарши қонун ишлаб чиқилган. Унга кўра ишхонада, боғча, мактаб, спорт мажмуаларида че-киш тақиқланади.

Бу келтирилган маълумотлар ҳам бежизга эмас. Ка-шандалик туфайли фақатгина одамлар зарар кўрмайди, балки бутун атроф-муҳитга зарарли газлар тарқалишига олиб келади.

Фарзандларимизга теварак-атрофни, табиатни асрраб-авайлаш борасида шахсан ўзимиз ўrnak бўлсак, нур ус-

тига аъло нур бўлар эди. Келажак авлод олдида мулзам бўлмаслик учун кексаларнинг панд-насиҳати, ота-оналарнинг ибрати ва қўни-қўшнилар жамлашиб, фарзандлари мизга бош-қош бўлиб, аждодларимиз урф-одатларини давом эттирайлик. Аввало уларни меҳнатга, хусусан, дарахт экишдек яхши анъанага ўргатишимиш лозим. Кўп гувоҳи бўлганмиз, каттагина ҳовлилар қаровсизликдан қовжираб ётибди. Шунга эътибор қилиб бирор ниҳол экишга, турли сабзавотлар экиб маҳсулот етиштиришга хуши келмайди одамларнинг. Бирор жойда ишламагани етмагандек, ўзи турган жойни обод қилиб, кўкаlamзорлаштириб ўтиришга қурби етмайди. Агар улар шу ишни амалга оширганларида эди, яшил хазинамиз табиатни мусаффолаштирибгина қолмай, шу оиласа моддий томонлама ҳам даромад бўлади.

Қадимул айёмда оиласа қиз бола туғилса, униб-ўссин дея ният қилиб, кўплаб мевали ниҳоллар экишган. Ўғил бола туғилса, уй-жой қилиш учун терак қадашган. Бунда ҳам албатта, бугунги кундан-кунга онги-шуури тараққий этаётган бизга – “замонавий” одамларга ибрат намунаси мужассамлигини унутмаслик лозим.

Табиатда тоғнинг, боғнинг, чўлнинг ўз ўрни бор. Битикларнинг бирида боғ ўпкага, чўл жигарга, сув қонга ўхшатилгани бежиз эмас. Табиатда мувозанат бузилса, бундан инсонга ҳам зиён етади.

Илгарилари ҳеч ким сувга туфламаган, чиқинди ташламаган. Ўлимтикларни чуқурга кўмишган, биз гувоҳи бўлаётгандек, ариқларга келтириб ташлашмаган. Кул ва ифлос мағзаваларни кўча-кўйга тўкмаганлар. Наботот ва ҳайвонот дунёсига меҳрли бўлишган. Ота-боболаримизнинг табиатни асраш борасидаги анъаналарини ҳам давом эттириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланганлигини табиатда бўлаётган воқеаларнинг ўзи исботлаб турибди.

“Бобурнома”да ёзилишича, улуғ саркарда, давлат ар-

боби ва Алишер Навоийдан сўнг туркий адабиётнинг йирик вакили бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур қаерда қароргоҳ курса, ўша жойда боғ бунёд қилдирган. Боғнинг бунёд этилишида ул зотнинг шахсан ўзлари бош-қош бўлганлар.

Бир туп тут дараҳти суткасига 3 кишига етарли оқисиган филтрлаб берса, 1 гектар игна баргли дараҳтлар йилига 40 тонна, япалоқ баргли дараҳтлар эса 100 тонна ҳаводаги чангни ушлаб қолади. Олимлар ёнғоқ дараҳтини "ҳаво фабрикаси" дея аташади. Бу бежизга эмас. Чунки нафақат ҳаводаги чангларни, балки микробларни ҳам ютади ва уларни йўқ қиласди. Арчани эса қудукқа менгзашади. У қишида қорларни, ёзда намни яхши саклайди.

Имом Бухорий ҳазратларидан ҳадис ривоят қилинади. "Бирор киши мусулмонлар фойдалансин деган ниятда бир ўзи, ёки болалари билан ариқ қазиса, ўша ариқ туфайли ҳосил бўлган савоб унга ўлимидан кейин ҳам етиб бора-веради." Мана бу ҳикмат ҳам табиатни асраш, уни обод этиш билан ҳаётни ҳам обод этишга далолат қилмоқда.

Олимлар асаб касалликларининг келиб чиқишида шовқин-сурон таъсири нинг кучлилигини аниқлашган. "ЭКО-САН" президенти таҳлилий баёнотида инсон соғлигига салбий таъсир этаётган зарарли омилларнинг 30 фоизи сув таркибининг бузилишидан бўлса, 40 фоизи атмосфера ҳавосининг бузилишидан эканлигини айтиб ўтган. Бу икки унсур бизнинг ҳаётимиз манбаи эканлигини яхши биламиз, аммо улар нега ифлосланаяпти? Буни ҳам биламиزمи? Ҳа, буни ҳам биламиз. Аммо боқибекамлик қилишда давом этаяпмиз. Токи фалокат бор бўй-басти билан рўпара бўлмагунча уни назарга илмаяпмиз. Ваҳоланки, бизга огоҳлантиришлар аллақачон бошланган. Жумладан, йўлиқаётганимиз — турли касалликлар ҳам огоҳлантиришдан ўзга нарса эмас.

Қаерга қараманг, чанқоқбости ичимликлардан бўшаган баклашкалар, турли нарсалар солиниб, кераксиз

бүлгач ташлаб юборилган елим халталарга дуч келасиз. Шаҳарлардаги бетон ариқларку бу матоҳлар билан роса “сийланган”. Күчалар атрофида үсган ниҳолларни сувлаш учун ҳайдалган сувлар ҳам оқмайди. Ободонлаштириш хизматчилари қанчалик ишлашмасин, улар сон жиҳатидан кўчага ҳеч иккиланмасдан чиқинди ташлайдиган одамларга нисбатан камда. Шу чиқиндини ташлаётган киши наҳотки ўйлаб кўрмайди? Яна бир оғрикли жиҳати, нега бундай қилаётганилигига изоҳ сўрасангиз, вижданан қийналиш ўрнига “Бир менми кўчага чиқинди ташлаётган, ҳамма шундай қиласяптику”, дея ўзига гард юқтирумасликка уринади. Ҳамма ўзи учун жавоб беради. Бирорга баҳас қилиш жуда ёмон нарса. Бу аслида кишининг ўз гуноҳларини хаспўшламоқчи бўлиб топган баҳонаси. Ундан бўлмаса нега чиқиндини кўчага эмас, маҳсус жойларга олиб бориб ташлаган кишига баҳас қилмайди? Бу тўғрисида чукурроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.

Куз фасли, хазонрезгилик пайтлари яна бир муаммо бош кўтаради. Пайқагандирсиз, хазон бўлиб тўкилган дарахт баргларини қандай қилиб йўқ қилиш муаммоси. Бу муаммо кўп ҳолларда жуда осон, аммо номақбул йўл билан ёнилади. Яъни, тўпланган барглар ёқиб юборилади. Аммо ундан чиқаётган заҳарли газлар атмосфера ҳавосини бузишига, одам саломатлигига жиддий таъсир кўрсатишига аҳамият беришмайди. Қанчалаб тушунтириш ишлари олиб борилади, амалиётда исботланган ҳолатлар тақдим этилади. Аммо барибир ўз билганидан қолмайдиганлар топилиб туради. Хазон ёқилаётган пайтда унинг ёнида бўлган болаларга тарқалаётган заҳарли газлар тезда таъсир қилиб, бетобланиб қолиши исботланган. Ва шу газлар атмосферада кезиб юраркан, ундан нафас олаётганларга албатта, ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Тозаликка, гигиена талабларига риоя қилиш лозим. Ўша хазонларни йифиб кўмиб ташланса, баклашса, елим халта, сигарет кутилари, музқаймоқ идишлари каби чиқинди-

ларни маҳсус жойга йиғса бўладику. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Фақатгина кишидан озроқ эътибор ва виждонлилик, ку-юнчаклик талаб этилади.

Юқорида “Кашандаликнинг зарари” мавзусида сўз юритган бўлсак-да, яна шу мавзуда бироз тўхталишга тўғри келмоқда. Муқаддас динимизда ўзига ва ўзгага зарар етказиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Чекувчилар ҳам худди шундай. Айтиб ўтганимиздек, улар ҳам ўзларига, ҳам ўзгаларга зарар етказишади бу нобоп одатлари билан. Қонун бўйича чекиш тақиқланган ҳудудлар бор. Хусусан, жамоат жойлари. У ерда-ку кўпчилик нафас оладиган ҳавони булғаб чекишаپти. Ҳатто, бунга ўзларини маънавий ҳаққи бордек тутишмоқда кашандалар. Аммо мактаб, коллеж, лицей каби ўқув даргоҳларида ҳам баъзи ўқитувчилар лабларига сигаретни қистириб олиб, ўқувчиларига кўз-кўз қилиб чекмоқдалар. Ким кафолат бера оладилар, ўқувчиларнинг айнан шу ўқитувчилардан улгу ол-масликларида. Бу масаланинг маънавий томони. Жараённи ислоҳ қилишга ҳали вақт бор дегани. Бироқ бу муаммонинг жисмоний соғломлик томонидан жиддийлик тарафи борки, ўқувчи-ёшлар бу ҳаводан кейинроқ эмас, айни пайтда нафас оляяпти. Булғанган табиат уларга тоза ҳаво эмас, сигарет тутунларидан чиқкан 4000 хилдаги заҳарли тутунлар билан қоришган ҳавони нафас олиш учун “тұхфа” этмоқда. Мана масаланинг оғрикли томони қаерда! Нега энди олий маълумот олган айрим ўқитувчилар онгли равишда буни англаб етмайдилар?

Дунё бўйича чекувчилар 1 йилда 550 000 тонна ис гази, 108 000 тонна никотин, 384 000 тонна аммиак, 600 000 тонна қурум чиқариб, атмосферанинг ифлосланишига “хисса” кўшарканлар. Ана сизга далил ва рақам.

Ҳар куни 1 қути сигарет чеккан киши 1,5 соат вақтини чекиши билан машғул бўлиб ўтказаркан. Бу муддат 1 йилда 23 сутка, 16 йилда 1 йилга тенг келади. Оиласдагилари йилига 80-90 қути сигарет чеккан кишига етадиган зарарни кўради. Олимларнинг фикрича, чекувчиларнинг 14 йил умри

бой берилиб, чекмайдиганларга қараганда саратон касаллиги билан эркаклар 23 марта, аёллар 13 марта күпроқ касалланиш хавфи мавжуд. Сигарет учун сарфланадын пул – иқтисодий заарни ўзи ҳисоблаб олаверсін. Эл орасыда гард йүқ жойда дард йүқ деган сүз бежизга айтилмаган. Атмосферадаги захарлы газлар орқали етадиган заардан эхтиёт бўлайлик ва бунга ўз ихтиёrimiz билан йўл қўйиб бермайлик, худди кашандаларга ўхшаб.

Ривоятга кўра, саҳобий Абу Дардо кексайган чоғларида ёнғоқ қўчати экаётганда, бир ўткинчи: “Ёшингиз бир жойга етиб қолган бўлса, бу қачон ҳосил беради, сизга насиб қиласдими, йўқми?”, дебди. Шунда саҳобий: “Менга савоби бўлса бўлди, мевасини бошқалар еяверсін”, деган эканлар. Зоро, бошқаларга, жумладан она табиатга ҳам фойда келтириш имон бутлиги белгисидир.

Заводлардан чиқаётган турли заҳари газлардан атмосферадаги озон қатлами кундан-кунга емирилиб бораётгани сизга сир эмас. Бу муаммо бугунги кунда ўз ечими ни кутаётган энг катта глобал муаммолардан эканлиги бот-бот тақорорланаяпти.

Атмосферада етарли миқдорда тўпланган кислороднинг бир қисми озонга айланади. Энг кўп аzon стратосферада тўпланиб, унда озон қатламини ҳосил қиласди. У ерда ўткир ультрабинафша нурланиши таъсирида икки атомли кислород молекуласи парчаланади ва ажралган атомлар уч атомли аzon молекуласини ҳосил қиласди. Стратосферада ҳаво умумий зичлигининг пасайиши натижасида ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарилади. Озон концентрацияси ошиб бориши кузатилади. Ҳаво қатлами яхши исиди, чунки қуёш нурлари таъсирида бўлаётган озон парчаланиши иссиқлик чиқиши билан бирга кечади. Натижада ер юзида ҳаётни ҳимоя қилиш учун энг асосий жараён юз бериб, ўткир ультрабинафша нурланишининг бир қисмини ютади. Агар қуёш нурлари ерга тўлиғича етиб келса, тирик жон қолмаган бўлар эди. Мана энди аён

бўлгандир, озон қатламининг ер юзи учун нечоғлик мұхимлиги.

“Агар одамлар табиатта нисбатан лоқайд муносабатда бўлсалар, унинг қонун-қоидаларини қўпол тарзда бузсалар, бир кун келиб табиат улардан ўч олади, ўшанда ҳеч қандай куч уни тўхтата олмайди”, дея огоҳлантириш берган эди улуғ олим Абу Райхон Беруний.

Халқ хўжалигидаги галонлар, эритувчи бирикмаларнинг ишлатилиши ҳам озон қатламининг сийраклашишига олиб келади. Кейинги пайтларда авиаация, космик ракеталар, кимёвий заводлар таъсири ҳам эътиборга олина бошланди. Озон қатлами сийраклашиб кетаётгани сабабли ультрабинафша нурларни яхши юта олмаяпти. Бу нурлар ер юзига етиб келиб, ҳайвон ва ўсимликлар, одамларнинг ҳам ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада турли номаълум касалликлар пайдо бўляяпти.

Ҳар йили 16 сентябрда “Ернинг озон қатламини ҳимоя қилиш халқаро куни” сифатида нишонланади. Озон қатламини ҳимоя қилишга мамлакатимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти. 2009 йилга келиб озон қатламини емирувчи моддаларнинг 98 фоизи муомаладан чиқарилди. Ишлаб чиқаришда хлор, фтор, углеводлар, галлонлар, тейлохлар, углеродлар ва бошқа кимёвий бирикмаларни ишлатишни тўхтатиш масаласи кўрилди. Озон қатламини емирувчи моддалардан босқичма-босқич воз кечишга эришиш, тараққиётни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг З та қарори қабул қилинган. Бунга кўра озон емирувчи моддалар таркибига кирувчи маҳсулотларни бошқа давлатларга олиб чиқиш ва олиб кириш тақиқланади. Озон емирувчи моддалар ҳамда таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни импорт, экспорт қилишни мувофиқлаштириш тизими жорий этилган.

Табиатни муҳофаза этиш барчамизнинг онгли равишида бажаришимиз шарт бўлган бурчимиздир. Яқин ўтмиш-

га, биргина “Орол фожеаси” дея ном олган, мамлакатимизда оғриқли муаммоларни келтириб чиқарған вазиятга назар ташлайлик. Биламизки, бу ачинарли ҳолатнинг юзага келишида собиқ ҳукуматнинг ақлга сиғмас даражада пахта етиштиришга бўлган уринишлари сабаб эди. Табиатнинг ўз қонуни бор. Уни бузиш билан фақатгина ўзимизга зарар етказган бўламиз.

Ҳаводаги заарли кимёвий моддалар насл қолдириш жараёнига таъсир этиб, функционал ўзгаришларни келтириб чиқаради. Қўшни Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳридаги алюминий ишлаб чиқарувчи “Талко” ДУК заводидан чиқаётган заҳарли газлар ҳам мамлакатимизнинг жанубий худудларида узоқ йиллардан қатор муаммоларни келтириб чиқараётгани ҳеч биримизга сир эмас. Заводдан атмосферага чиқаётган заарли газлар туфайли Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун туманлари жиддий зарар кўрмоқда. Деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик қилиш учун қулай шароитли бўлган ва токи алюминий завод заҳар пуркамагунича ўзининг тенгсиз таъмли мевалари, серсут, сергўшт чорвалари билан тилда бўлган бу худудда бугунги аҳвол ростдан ҳам ачинарли тус олган. Кураги ерга тегмаган полвонлар довруқ солиб ўтган юртда, заҳарли газлар, ҳа, айнан Тожикистондаги алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газлар туфайли ногирон фарзандлар дунёга келаяпти. Қўшни мамлакат дўстона маслаҳатга ҳам, нуфузли ташкилотларнинг кўрсатмаларига ҳам амал қиласдан, ўз билганларича иш тутмоқда. Бу ҳам етмагандек, “Рофун” дея аталмиш истиқболсиз ва кўп ташвиш келтирадиган ГЭСнинг қурилишини давом эттириб, ўзини-да, атрофдагиларни-да хавфга қўймоқдалар. Табиата тескари иш қилишдан толишмаяпти.

Қадимда шарқ мамлакатларида одамлар эрталаб туриб, қуёшга қараб, кафтини бир-бирига қўйиб, бош бармоқларини бурун ва пешонасига теккизиб, қуёш билан

саломлашар экан. Қуёш киргап уйга табиб кирмайды дея уйга қуёш нурларини киритишаркан. Она табиатнинг бир бўлаги бўлмиш қуёш ҳам саломатлигимизга кўп яхши таъсирлар кўрсатади, юқорида айтганимиз, озон қатлами-нинг “хизмат”лари билан албатта. Аллоҳ таоло табиатни шундай мувозанатда яратган.

Ер юзидағи барча ўсимликлар йилига 400 миллиард тонна кислород ишлаб чиқаради. Ҳатто, оддийгина ўсимликлар ҳам ўзлари яшаб турган табиатни тозалашга, унинг яхшиланишига ҳисса қўшади. Биз мукаррам қилиб яратилган инсонлармиз. Инсонийликнинг асосий белгиси бўлмиш – ақл, заковат неъматидан баҳраманд этилганимиз. Ўйлайлик ва фикр қилайлик. Биз она табиатга қандай муносабатда бўляяпмиз-у, унинг бизга қайтарадиган жавоби қандай бўлади? Жавоб топгандан сўнг қилган айбларимизни ювишга шошилайлик, яъни атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор қаратайлик. Зеро, бу бизнинг ўзимиз учун ҳам кони фойдадир. Бугун бизнинг табиатга етказган зиён заҳматларимиз учун ворисларимиз, кела-жак авлод товоң тўламаслиги керак.

ҲАЛОКАТ ГИРДОБИ

Гиёхвандлик – инсон гиёхванд моддага бевосита жисмонан ва руҳан боғланиб қолиши билан кечади. Касалликнинг даражаси кундан-кунга боғланиб қолиш, яъни мубталоликнинг ортиб бориши билан таҳлил этилади.

Аслида гиёхванд моддага ружу қўйиш ижтимоий характерга эга бўлиб, ўз-ўзидан эмас, атрофдаги гуруҳлар, яшаш муҳити стрессидан қутулиш, ўзи ҳавас қилган гуруҳларга қўшилиш ҳамда гиёхвандлик оқибатини англамаслик, тиббий маданиятга риоя қилмаслик, оиласдаги тарбиявий ҳолат, ота-оналарнинг фарзандларини назоратсиз қолдириши оқибатида содир бўлади.

Сир эмас, гиёхванд модда харидоргир, мўмай даромадли бўлиб, наркодиллерлар истеъмолчисини топиш учун ёлғон ва алдовлар билан, иложи бўлса иқтисодий тўқ оила вакилларини ўз тузогига илинтиришга ҳаракат қиласди. Бу йўлда улар ҳеч нимадан тап тортмайдилар. Кўп ҳолларда балоғатга етган йигитларни йўлдан уриш учун уларнинг ўзлари қатори йигитларни, қизларни бу ишга жалб этадилар. "Мана, бир чекиб кўр, ҳаётнинг лаззатини кўрасан", дея гиёхвандлик моддасини текин улашади. "Ўлжа" тузоққа тушгач, бемалол "бойвачча"нинг киссасини овлайверади. Унинг устидан ҳукмронлик қилиб, хоҳлаган йўлига, измига торта олади. Жиноят кўчаларига бошлайди. Гиёхванд ўзига керакли "доза"ни қабул қилиш учун ҳаётини, оиласини, саломатлигини гаровга қўяди.

Гиёхвандликнинг биринчи босқичида киши масъулият ва андишасига зил кетади. Иккинчи босқичда у наркотикка интила бошлайди. Катталарнинг қилган панд-насиҳатларига қулоқ солмайди. "Ўзлари татиб кўрмаган-да, унинг таъсир кучини билмай гапираверади", деб йўлайди. Айнан мана шу даврда у ўзига ўхшашибу иллатларга берилган давраларни излаб топади (Ёки ўша даврадагиларнинг ўзи буни излаб топишади). Бошланғич кайфга қаноатланмай қолгач, гиёхванд моддаларнинг ҳар-хил турларини синаб кўра бошлайди ва доимо безовта, жizzаки, тез аччиқ ва нотинч ҳолатида яшайди.

Учинчи босқичда гиёхванд моддага ружу қўйиши қарамлиги кучайиб боради. Энди нафақат эйфория-кайф олиш учун, миясидаги салбий фикрлардан қутулиш, нохуш ҳолатдан чиқиб кетиш учун ҳам гиёхванд моддани қабул қиласди. Умуман унинг руҳий, маданий, маънавий дунёси, сабр у бардош, иродаси сусайиб боради. Гиёхванд моддаларнинг зарарли эканлигини энди англаб етади, аммо уни қабул қилиш учун баҳона, сабаб ахтаради ва пировардида бу сабабни топади ҳам. Ота-она, дўст-биродарига муносабати ўзгаради. Турли тадбир ва давралардан воз кечиб, фақат гиёхвандлар гуруҳи билан учрашади, ҳаётдаги мулоқот доираси торайиб боради.

Тўртинчи босқичда гиёхванд "офу"га тўлиқ қарам бўлиб улгурган, энди у фақатгина ўз хуморини қондириш билан машғул бўлади. Фаол гиёхвандларнинг даврий умри З ийл атрофида давом этади. Бу пайтда у фарзанд кўрса ногирон, нуқсонли ёки ўлик туғилади. Гиёхванд инсон зурриёди, оиласи, авлодининг келажаги инқирозли тус олади.

Олимларнинг тадқиқотича, гиёхванд мёдда мия хужайраларини ўлдириб, англаш, идрок этиш, ҳис қилиш туйғуларини сусайтиради, жисмоний заифликка, маънавий бузилишга томон тортади. Гиёхванд моддага қарам бўлиш учун 1 марта қабул қилса бўлди, тобелик тарафига тортилаверади. Уни топиш учун ҳар қандай пасткашлиқ, жиноят, ҳатто ўзлигини ҳам сотиб бўлса-да истеъмол қилишга уринади ва охир-оқибат ўлим топади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, гиёхванднинг бу иллатга берилишига қўйидагилар асос бўлиб хизмат қиласди.

1. Биофизиологик даражаси: ирсий мойилликка мос, ген орқали ўтади.

2. Индивидуал – психологияк даражаси: ўзининг руҳий хусусияти ва шахсий ҳаёттий тажрибасига таяниб ҳаёт, яшаш тарзидан қаноатланмай, ўзининг руҳий ҳолатини сунъий йўл билан ўзгартиришга интилади.

3. Микроижтимоий даражаси: оиласда, мактабда, тенгдошлари даврасидаги ўрни, улар орасида гиёхвандликка бурилишдаги ҳолат ва муҳит эгаларининг борлиги.

4. Макроижтимоий даражаси: Жамият ҳаётидаги салбий ўзгаришлар, иқтисодий ва маънавий инқироз ва бошқалар.

Барча гиёхвандларда учрайдиган жиддий муаммолар қаторида ушбуларни санаб ўтишимиз мумкин.

1. Доимий равишда истеъмолга эҳтиёж ортиб боради ва қабул дозасини ошириб боришни истайди.

2. Шахснинг қарамлиги боис маънавияти тубанлашиб, жиноятга, разолатга қўл уради.

3. Гиёхванд иш қобилияти сусайиб, оиласига, жамиятга салбий таъсир этади.

Гиёхвандлик таъсирига тушиб қолганларнинг жуда кам қисми ундан озод бўлиб, тўғри йўлга қайта олганлар. Шунинг учун унинг тўрига илингандарни давололмай, ҳеч қандай натижага эришолмай ютқизгандан кўра, кишилар, айниқса ёшларни бу иллат тўрига тушиб қолмасларидан олдини олиш зарур. Бунда ижобий услублардан бири бўш қолмасдан, ютуқлар келтирадиган машғулотлар билан шугуllibаниш ҳисобланади. Яна кундалик ҳаётда бўладиган салбий босимларга қаршилик қилиб, енгиб ўтиш лозим. Келажакка ишонч билан яшаш, ҳаётни ёрқин англаш учун маънавияти ва маърифатини ўстириш зарур.

Жаҳонда ҳар йили қанчалаб кишилар гиёхвандлик оқибатида қурбон бўладилар. Яна қанчалари айнан шу оғу таъсирида бутун ҳаётини издан чиқариб, беихтиёр ҳалокат чоҳи томон қадам ташлайдилар. Бугунги кунда қўшни Афғонистон давлатида гиёхванд мөддаларни етиштириш, олдинги йиллардагига қиёслаганда анча ўсди. Бу эса бу заҳри қотилнинг тарқалиши яна жадаллашди дегани.

Кўп ҳолларда биламизки, навқирон ёшларимиз бу иллатнинг қурбони бўлиб қолаяптилар. Назоратсизлик, но тўғри тарбия, яна бир қанча оиладаги муаммолар, отоналарнинг ўз вазифаларини уddyалай олмаётганларни туфайли содир бўляяпти бу ҳол. Огоҳ бўлиш керак, озгин на эътиборсизлик боис фарзандлар умрларини хазон қилмасин, муқаррар ҳалокат чоҳига қулемасинлар.

МУНДАРИЖА

Майхүрлик — келтирап хүрлик.....	3
Кашандалик зарари.....	10
Табиатга тош отманг.....	21
Халокат гирдоби.....	32

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

Жуманазар МАДИЕВ

УМРИНГИЗГА ЗОМИН БҮЛМАНГ

Мұхаррір:

И.Шомиров

Техник мұхаррір:

А.Бўриев

Мусаххих:

М.Шомирова

Босишига 21.04.2014 йилда рухсат этилди. Бичими
60x84^{1/16}, Офсет қоғози. Pragmatic TAD гарнитураси. Офсет
усулда чоп этилди. 2,25 босма табоқ. № 332-сонли буюртма
1000 нусхада. 36 бет. Эркин нарҳда.

«Тафаккур» нашриёти, Тошкент шаҳри,
Навоий кӯчаси, 30-уй.

«Сурхон Нашр» МЧЖ да тайёрланди
Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев, 30-уй.



Жуманазар Мадиев — 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. У олий тоифали шифокор, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси, Гречиянинг «Антик дунё» халқаро илмий академиясининг профессори. Шифокорнинг «Софлом турмуш сабоги», «Силнинг сир ва синоатлари», «Дард борки, дармон бор», «Ёруғ йўл сари», «Сурхондарё стоматологияси» номли китоблари чоп этилган.

ISBN978-9943-24-090-2

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-24-090-2.

9 789943 240902